УШБУ СОНДА:
2 БАНКРОТЛИК – СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОМИЛИ
3 XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
ОИЛА МУҚАДДАС 4
ЁВВОЙИЛАР ОРОЛИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 40 (495) 2006 йил 10 октябрь сешанба

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:

бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;


маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;

китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 25-МОДДА

ЭЗГУЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



— Анча вақтдан буён Қаршига йўлим тушмаган эди, —* дейди косонлик меҳнат фахрийси Абдулла бобо Ҳайитов. *— Шаҳарга тушиб дафъатан таний олмай қолдим. Кенг, равон кўчалар, ойнадек сип-силлиқ йўлларда юрган сари юргингиз келади. Қарасангиз, аксингиз кўринади-я...

— Шаҳарнинг бош майдонини айтинг, — суҳбатдоши Азим бува Баратов фахрланиб гап қотади. — Ёзда темирдек қизиб, қишда шўри чиқиб ётган бетон қопламалар олиб ташланиб, ўрнига бир сўлим бўстон яратилибдики, кўрган кўз қувонади...

Ҳа, қарияларнинг фахрланиши бежиз эмас. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи арафасида бу масканда беқиёс бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Халқимиз йўл, кўприк қурмоқлик, энг катта савоб ишдир, дейди. Чунки йўллар шаҳарларни шаҳарлар билан, кўнгилларни кўнгиллар билан боғлайди. Йўл қурилган жойда ободлик бўлади, иқтисодий қудрат ошади.

— Шаҳримиз тўйига қадар зиммамизга 19,5 километр масофадаги йўлни мукаммал таъмирлашни мўлжаллаган эдик, — дейди «Қашқадарёавтойўл» йўл қурилиши ҳудудий шўъба ташкилотининг бош муҳандиси Шуҳрат Юсупов. — Беш миллиард сўмликдан ошиқроқ иш бажарилди. Шундан Амир Темур кўчасида 247,4 миллион сўмлик, Ўзбекистон кўчасида 2 миллиард 377,5 миллион, Насаф кўчасида 2 миллиард 360,3 миллион сўмлик йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бош пудратчи – ташкилотимизга қарашли Косон махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бўлиб, уларга кўплаб туман йўл корхоналарининг вакиллари ёрдамга келишган. Улар ёрдамида шаҳар ҳудудидаги умумфойдаланув автомобиль йўлларида ҳам қайта қуриш, таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Йўлсозларнинг сўнгги русумдаги техника воситалари ёрдамида ишлаётганликлари ҳам қўл келаяпти. Германия, Япония ва Россияда ишлаб чиқарилган замонавий техника воситалари ёрдамида эски қопламаларнинг баланд жойлари кесилиб, паст жойлари эса таъмирлаб кетилмоқда.

— Йўлда ишлаётганимга кўп бўлди, — дейди Элёр Жумаев. — Эндиликда асосий ишни Японияда келтирилган «Каток» ёрдамида бажараяпман. Ишим унаётганидан, тез ва сифатли йўл бунёд этишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман. Эртага бу йўлдан юрганлар бизга раҳмат айтишади, албатта.

Вилоят аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Электр энергияси, алоқа, газ ва ичимлик суви билан таъминловчи коммуникация иншоотларини тубдан янгилаш бўйича беқиёс ишлар амалга оширилди. Иккита сув иншооти, шаҳар кўчаларидаги 15,7 километр масофадаги ичимлик сув қувури, 17 километр узунликдаги табиий газ тармоқлари таъмирдан чиқарилди. 13 та маҳаллага янги ичимлик сув қувурлари, 12 та маҳаллага янги табиий газ тармоқлари тортилди.

— Шаҳримизнинг бугунги қиёфасини, улуғвор ўзгаришларни кўриб кўзингиз тўймайди, — дейди Беглар маҳалласида истиқомат қилувчи Бўритош опа Носирова. — Истиқлол шарофати билан қанчадан-қанча осмонўпар бинолар, замонавий иншоотлар қад ростлади. Ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами бениҳоя кенг эканлигини тасвирлашга тил ожиз. Буларнинг барчаси қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссини жўш урдирибгина қолмай, эртанги кунга умид ҳамда ишончимизни янада зиёда этади. Янги-янги ташаббусларга илҳомлантиради. Шундай хайрли ва савоб ишларнинг бўлгани қандоқ яхши.

Бугун шаҳарда алоқа тармоғи хизмати ҳам янада такомиллашди. Бир минг бир юз хонадон янги алоқа тармоғи хизматидан баҳраманд бўлди.

Шаҳар истироҳат боғларида ҳам катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, шаҳардаги қадим обидалар қайта тикланди. Собиқ шўро тузуми даврида турли мақсадларда фойдаланилган XIV аср ёдгорлиги — Одина масжид қайта тикланди. Бу масканда қурилган сардоба, Қарши қалъаси, мадрасани ўз таркибига олувчи бу қадим қадамжони келгусида шаҳарнинг тарихий, маданий ва маънавий мероси, қадриятларини ўрганадиган, тарғиб этадиган маданий-маърифий марказга айлантириш мўлжалланмоқда.

Кўкгумбаз масжидида ҳам катта миқёсда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Хонақоҳнинг ички ва ташқи кўринишлари, саҳни эндиликда бутунлай ўзгариб, файзли ва кўркам қиёфа касб этди.

Қарши шаҳрининг тўйи буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 670 йиллиги тўйи тантаналарига уланиб кетади. Зеро, Амир Темур шахсиятининг тарихда тутган ўрни билан ўзбек халқи тарихини бир-биридан айро тасаввур қилиш қийин.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганлигини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади. Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.**

Қарши шаҳри гўзал келинчакдек ороланиб, зеболаниб, кундан-кун чирой очмоқда. Кўчалар таровати ўзгача, бу ерда ҳаёт қайнайди. Равон, текис йўлларда машиналар елдек учади. Бир-биридан чиройли бинолар қадди янада юксалгандек шаҳарга улкан салобат ва кўрк бахш этган. Куни кеча шаҳар марказий майдонида фавворалар галерияси очилди. Майдонни болаларнинг шодон қийқириқлари қоплади. Бунёдкор элнинг бугун амалга ошираётган бу эзгу ишлари тарих зарварақларидан муносиб жой олиши, келажак авлодлар томонидан эътироф этилиши шубҳасиз.

Ойдин АНОРОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qonun ijodkorligi

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ

мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асоси

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, чет эл инвесторлари мамлакатимизга ўз сармояларини киритаётган бир пайтда солиқ маслаҳати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ҳозиргача солиқ маслаҳати бўйича аудиторлик ва адвокатлик ташкилотлари фаолият юритаётган бўлса-да, бироқ мазкур соҳа бўйича профессионал даражада шуғулланадиган мутахассислар, ҳуқуқий институтлар ҳамда тегишли база етарли эмас эди. Шунингдек, солиққа доир нотўғри маслаҳатлар бергани оқибатида мижознинг молиявий зарар кўргани учун жавобгарлик назарда тутилмаганди.

2006 йил 21 сентябрда **"Солиқ маслаҳати тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилингани жисмоний ва юридик шахсларнинг солиққа доир муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳуқуқий институт жорий этилишига олиб келди. Маълумки, мамлакатимизда айни пайтда кўплаб ташкил этилган аудиторлик ва адвокатлик ташкилотлари асосан юридик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Мазкур қонун асосида ташкил этилиши кўзда тутилган солиқ маслаҳати ташкилотлари эса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахсларнинг ҳам солиққа оид масалаларини профессионал даражада ҳал этишга имконият туғдиради. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 20 июндаги **"Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонининг 6-бандини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

"Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 июлда қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган эди. Қонун қабул қилингунга қадар мутахассислар томонидан чуқур ўрганилиб, унинг лойиҳасига кўплаб тузатиш ва тўлдиришлар киритилган. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Экспертиза жараёнида амалиётчи ва назариётчи мутахассисларнинг фикрлари ўрганилди ва лойиҳадаги камчиликлар бартараф этилди.

"Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги мазкур қонун 26 та моддадан иборат бўлиб, унда солиқ маслаҳатининг тушунчаси, асосий принциплари, хизмат турлари, солиқ маслаҳати билан шуғулланадиган ташкилотга қўйиладиган талаблар, солиқ маслаҳатчисининг малака сертификати каби масалалар аниқ-равшан ёритилган. Хусусан, солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир, дейилади қонуннинг 3-моддасида. Солиқ маслаҳатининг асосий принциплари: қонун устуворлиги, мустақиллик ва махфийликдир. Қонуннинг 5-моддасида эса, солиқ маслаҳати бўйича хизмат турлари санаб ўтилган бўлиб, улар: мижозга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат бериш; солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга ёрдам кўрсатиш; судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи идораларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик хизматларидан иборатдир.

Солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатлар давлат органи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур орган: солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; солиқ маслаҳатчисига малака сертификатини беради, унинг амал қилиш муддатини тугатади ва уни бекор қилади; солиқ маслаҳатчилари реестрини юритади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган хизматлардан ташқари, бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш, молиявий ҳисобот тузиш, бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молиявий-хўжалик хизматларини ҳам кўрсатиш мумкинлиги белгиланган. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг фаолият юритишлари мумкин. Уларни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юклатилган. Қонуннинг 11-моддасига асосан, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга: мижоздан солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни олиш; солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича мижоздан оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш; солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳамда улардан жавоблар олиш; солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни жалб этиш; мижоз солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад этиш. Қонунда шунингдек, солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳуқуқлари билан бир қаторда унинг мажбуриятлари ҳам санаб ўтилган.

Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиши учун олий маълумотга эга бўлиши, солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини тугатган, камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши лозим. Шунингдек, қонунда солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси ҳусусида ҳам сўз юритилган бўлиб, малака сертификатига эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳати билан боғлиқ топшириқларини солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботга имзо қўйиш ҳуқуқисиз бажарувчи жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бўлиши мумкин, дейилган. Унинг фаолияти меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Бундан ташқари, солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида ишлаган вақт малака сертификати олиш учун зарур иш стажига қўшилади.

Қонуннинг яна бир эътиборли томони шундаки, унда солиқ маслаҳати бўйича жавобгарликни белгиловчи меъёрлар ўз аксини топган. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бажармагани ёки лозим даражада бажармагани оқибатида мижозга зарар етказгани учун жавобгар бўлади. Етказилган зарарларнинг, шу жумладан, бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак. Солиқ маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажаргани, тижорат сирини ошкор этгани натижасида етказилган зиён ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

Мазкур қонунни кенг оммага, биринчи галда, ундан манфаатдор хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғиб қилиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Умид МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Mohiyat

ШАРТНОМА ЛАФЗ ДЕМАКДИР

Ўтмишда ота-боболаримиз ўзаро мулкий муносабатлар ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан оғзаки шартлашишга одатланган. Бу энг оддий ва айни пайтда ўта ишончли таомил бўлган. Чунки улар лафзи ҳалолликни энг олий мажбурият ҳисоблаганлари ҳолда, ўз сўзларининг устидан чиқиш учун қатъий жавобгарликни ҳис қилганлар. Лафзида турмаслик жамиятдаги энг ёмон иллат, деб саналган.

Лафзи ҳалоллик бобида кўплаб ўгитлар, ибратли сўзлар мавжуд. Бу ҳикматлар замирида келишувлар ва шартлашишларнинг бажарилишида тарафларни ҳалол ва ўз мажбуриятига масъулиятли бўлишга ундаш ҳисси юксак эканлиги сезилади. Бугунги кунда ҳам шартномавий мажбуриятлар юзасидан холис ва виждонли бўлиш мулкий муносабатлардаги энг асосий талаб бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги миллий анъаналаримиз ва шарқ тафаккури таъсирида ҳалқимиз қон-қонига сингиб кетган лафзи ҳалоллик, мажбуриятга масъулият каби меъёрлар мустақиллигимиз даврида қабул қилинган қонун меъёрларида ўзининг теран ифодасини топди.

Республикамизда ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодий тизим вужудга келмоқда. Хусусий мулкнинг конституциявий даражада тан олиниши мулкдорлар тоифасининг вужудга келишига муҳим асос бўлди. Маълумки, бундай шароитда фаолият юритиш шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар даражасида олиб борилиши зарурдир. Кейинги йилларда шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган ва 1997 йилнинг 1 мартидан амалда қўлланилиб келинаётган Фуқаролик кодекси шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидаларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган. Шартнома муносабатларини тартибга солиб туришга йўналтирилган меъёрлар бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат принципи асосида белгиланган.

Шунингдек, 1998 йил 29 августдаги **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши эса Фуқаролик кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун шароит яратди. Бундан кўзланган асосий мақсад — шартнома маданиятини юксак даражага кўтаришдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқ, миллат маданиятига баҳо беришда бир йўналиш сифатида ушбу халқ ва миллатда шаклланган шартномавий маданиятга ҳам эътибор қаратилади.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil va saboq

ҚОНУНГА ТАЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро олди-берди муносабатларини икки ва кўп томонлама тузилган шартномалар ҳуқуқий томондан кафолатлайди. Шартнома шартларининг бирор-бир банди бажарилмаслиги эса томонлар манфаатларига зарар етказади. Бундай пайтда ушбу битимларда белгиланган ҳуқуқий таъсир чоралари ишга солиниб, зарар кўрган томонга унинг миқдори фоизлари билан айбдор томондан ундириб берилади.

Президентимиз фармонлари, қарорлари ва амалдаги қонунларда белгилаб берилган ана шу устувор қоида ва тамойилларнинг амалдаги ижросини назорат қилиш адлия идораларининг энг муҳим вазифаларидан бири. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу қабул қилинган фармон, қарор ва қонун ҳужжатлари биринчи галда корхона ва ташкилотлар, кўп сонли тадбиркорлик субъектлари, оддий ишчилар, ҳунармандлар, деҳқон-фермерлар ва умуман кенг халқ оммаси манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Шу ўринда вилоятимиз адлия идоралари фаолиятига назар солсак, бунда асосий эътибор юқоридаги ҳолатларга қаратилаётганини кўриш мумкин. Буни факт ва рақамлар ҳам яққол тасдиқлайди. Биргина шартномавий муносабатларни олиб кўринг. Ушбу йилнинг ўзида назорат тартибида 11497 дан зиёд шартнома ҳужжатлари қонун талабларига мослаштирилди. Келиб тушган 266 та ариза ва шикоятлар юзасидан қонуний таъсир чоралари қўлланилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Tahlil va saboq

ҚОНУНГА ТАЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Баъзи корхоналарда зиммага олинган мажбуриятларга беписандлик билан қараш оқибатида шартнома шартлари бузилади. Масалан, фермер ўзига тегишли пулнинг бир қисмини олди. Пулнинг қолган қисмидан эса орадан бир неча ой ўтса ҳамки, дарак йўқ.

Бу орада фермер янги ҳосил учун ўғитлар, ёқилғи ва бошқа воситаларни харид қилиши, ерига ишлов бериши, чигит экиши керак. Булар учун эса маблағ зарур. Вақт эса, кутиб турмайди. Ниҳоят, у ҳуқуқини қонуний тарзда ҳимоя қилади.

Вилоят адлия бошқармаси фермерларнинг ариза, мурожаатлари ва назорат тартибидаги текширишлар якунига кўра, ўтаётган йилнинг 9 ойи мобайнида судларга 331 та даъво аризаларини киритди. Ушбу аризаларнинг барчаси қаноатлантирилди.

Шартномавий мажбуриятларни бажармаслик ҳоллари Шовот туман пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мисолида ҳам бундай ҳолатни кўриш мумкин.

Шартномавий муносабатларга нисбатан бу каби лоқайдликни фермер хўжаликлари билан ўзаро контрактация шартномалари тузган бошқа тизимларда ҳам учратиш мумкин. «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимида фермерлар томонидан ўз вақтида етказиб берилган пилла ҳосили ҳақини вақтида ҳисобламаслик ҳолатлари адлия ходимлари томонидан аввал ҳам аниқланган эди. Бу ҳол жорий йилда ўтказилган назорат тадбирларида ҳам юзага қалқиб чиқди. Масала бу гал ҳам судга етиб борди. «Ўзагромашсервис» тизими фаолиятида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар учрайди. Жумладан, шу йилнинг ўзида ушбу ташкилотга нисбатан даъво аризалари хўжалик судига киритилди. Текширув натижаларига кўра, биргина Қўшкўпир туман машина-трактор паркида шартномавий мажбуриятлар иҳроси кўп маротаба бузилган. Адлия бошқармасининг даъво аризаларини кўриб чиққан тегишли суд инстанциялари фермер хўжаликлари кўрган зиён қийматини жавобгар тарафидан тўлиқ ундириб бериш бўйича ўз қарорини чиқарди.

Фермерлар билан ўзаро шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки бажаришни унутиб қўйган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ҳамда «Нефтмаҳсулотлари» тизимидаги қатор корхоналардан ҳам етказилган зарар қиймати суд орқали фоизлари билан ундириб берилди.

Шу ўринда камчиликлар, тадбиркорлар, хусусан, фермер хўжаликлари эгаларининг айби билан содир этилаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Фактлар шуни кўрсатадики, айрим тадбиркорлар, биринчи навбатда, қишлоқда фаолият кўрсатаётган фермерлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини лозим даражада билмайди. Баъзилар эса ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларига лоқайд қарашади.

Бошқармамизда ана шу бўшлиқни тўлдириш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жойларда тайёрлов, таъминот, хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари билан турли ўқувлар, семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

Кенг кўламли ушбу тадбирларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва юридик маслаҳатхоналар ходимлари фаол иштирок этишаётганини алоҳида қайд этиш даркор.

Бундай ўқув-семинарлар тадбиркорлик ҳаракати қатнашчилари, шу жумладан, қишлоқдаги деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида ҳам ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонунни, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиш, унга таяниб иш кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди. Аксинча, уни билмаслик ёхуд менсимаслик бир кун келиб қонун қаршисида мулзам бўлишга олиб келиши шубҳасиз.

Одилбек КАРИМОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Mulogot

МУДДАТ БЕЛГИЛАНМАГАН

— Яқинда мен мутасадди идораларнинг бирига шикоят хати билан мурожаат қилган эдим. Аммо улар хат билан танишиб чиқишгач, сизнинг шикоят қилиш муддатингиз ўтган деб айтишди. Айтинг-чи, қонунда ариза ва шикоятларни бериш учун қанча муддат белгиланган?

Ш. ТЕМИРОВ,
Нуробод тумани

— Сизнинг шикоятингизни қайтариб беришлари қонунга зид. Чунки **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 16-моддасида фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмаслиги қайд этилган. Шу билан бирга баъзи ҳолларда муайян давлат идорасининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат идораларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунувчи тартибида юқори турувчи идорага ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат идораси томонидан тикланади.

Mitti maslahat

ИШОНЧНОМА

у кимларга берилади?

Ишончнома ҳақида Фуқаролик кодексининг 134-моддасида шундай дейилган: "Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил фақатгина ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Юридик шахс номидан юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахс уставида (Низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учун берилиши мумкин.

Кодекснинг 135-моддасида ишончноманинг шакли ҳақида сўз юритилган бўлиб, ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шакл талаб қилувчи битимларни тузиш ёки бўлмаса, юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончома нотариал идоралар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида нотариал идоралар томонидан тасдиқланган ишончомаларга тенглаштирилган ишончномалар ҳақида ҳам сўз юритилган. Яъни кодекснинг 136-моддасида таъкидланишича, қуйидагилар нотариус тасдиқлаган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда бошқа шахслар, шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалар;

ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм қўшилмалари, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлаштирилган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа идоралар бўлмаган пунктларда эса ишчи ва хизматчилар, уларнинг оилалари ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртлари командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалар;

жазо ўташ жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган ишончномалар киради.

Ишончноманинг бошқа шакллари ҳам мавжуд. Бу бевосита Фуқаролик кодексининг 137-моддасида жумладан, бу ҳақида сўз юритилган: хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ёки (ўқув муассасаси) ташкилот, у яшайдиган уй учун хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари, яшаш жойиларидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, фуқаро даволанаётган тиббий муассасаси ҳам тасдиқланиши мумкин.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилади.

Qonun ko`magi

ЕР ЭГАСИНИ ТОПДИ

Масаланинг моҳиятига кўра, гапни хиёл илгарироқдан бошласак, 2005 йилнинг бошида Жалолқудуқ туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги ҳукумат қарорига асосан қайта ташкил этилди. Кўп қатори Дониёр Мирзаев ҳам ўтказилган танловда иккинчи лойиҳа бўйича қатнашиб, 30,43 гектар ер майдони бўйича ғолиб, деб топилди.



Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки Жалолқудуқ тумани ҳокимининг 2005 йил 2 февралдаги қарори билан унга атиги 18,4 гектар ер майдони ажратиб берилди. Қолган 12,03 гектар ер майдони қайта ташкил этиш комиссияси томонидан «Само бургути» фермер хўжалигига узоқ муддатга ижарага ажратиб берилди. Бундан норози бўлган Дониёр Мирзаев вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этди. Шундан сўнг ўтказилган текширишларда ҳақиқатан ҳам, қонунбузилиш ҳолати рўй бергани ўз тасдиғини топди.

Собиқ «Ғайрат» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси раиси А.Асронов ўз тушунтириш хатида «Ўзларининг келишуви билан шу тендерда қатнашган Рўзибойга 10 гектари берилган. Комиссия аъзолари тўла рози бўлган», дея изоҳлаб, қонунбузилиш ҳолатини тасдиқлаб турибди. Ваҳоланки, қайта ташкил этиш комиссиясининг лойиҳани иккига бўлишга ҳеч қандай қонуний асоси йўқ. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бошлиғи М.Ёқубов ҳам ўз тушунтириш хатида ҳозирги вақтда иккинчи лойиҳадаги ер майдони туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати қайдномасида яхлит лойиҳа сифатида тургани, ушбу лойиҳа расмий жиҳатдан бўлмаганлигини билдиради.

Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳамда ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан 70-контурдаги 5,0 гектар ҳамда 71-контурдаги 5,3 гектар, жами 10,3 гектар ер майдонида фермер хўжалигини ташкил этишда ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Ушбу ер майдони хўжаликни қайта ташкил этиш харитасига алоҳида лойиҳа сифатида киритилган ва талабгорлардан аризалар қабул қилинган. Сўнгра эса ушбу ер майдони комиссия томонидан фуқароларнинг дала томорқаларига ажратилган ер майдони сифатида танловдан чиқариб юборилган. Лекин бу ер майдонлари 4-контурдаги 2,5 гектар ерга қўшилиб, 12,8 гектар ер майдони туман ҳокимининг 2005 йил 18 майдаги 179-Қ-сонли қарори билан фуқаро Ўктамжон Мирзаевга узоқ муддатга ижарага ажратиб берилган. Бундан кўриниб турибдики, комиссия томонидан ушбу ер майдони танловдан асоссиз равишда олиб қолинган. Бунинг устига ер майдонлари пахта ва ғаллачиликка ажратилган бўлишига қарамай, 2005-2006 йиллар мобайнида пахта ҳам, ғалла ҳам экилмаган.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан Жалолқудуқ тумани ҳокими номига тақдимнома киритилди. Унга кўра, Жалолқудуқ туман ҳокимлиги қабул қилган қарорда Дониёр Мирзаев ҳисобидан «Само бургути» фермер хўжалигига олиб берилган 12,03 гектар ер майдонини ўзига қайтариб берилиши қайд этилган. 10,3 гектар ер майдонини фуқаро Ўктамжон Мирзаевга бериш ҳақидаги туман ҳокимлигининг аввалги қарорини бекор қилиш ва танловга қўйиш тавсия этилган.

Албатта, бу қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган мутасаддилар тегишли жазосини олишди. Хусусан, «Ғайрат» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси раиси А.Асронов, туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғи М.Ёқубовга нисбатан қаттиқ огоҳлантириш берилди.

Бир сўз билан айтганда, адолат қарор топди. Аммо бу ишга бевосита мутасадди бўлган раҳбарларнинг эътиборсизлиги, қонун талабларидан кўр-кўрона четга чиқиши ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлди.

Хулоса шуки, бугун халқимиз демократик-ҳуқуқий давлат барпо этаётган экан, қонун талаби ҳаётимиз мезони бўлиши керак. Бунга амал қилмаслик эса турли хил оворагарчилик, ортиқча асаббузарликка олиб келади.

Кудратбек АБДУРАҲМОНОВ,
ҳуқуқшунос,
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

«ЎҒЛИМНИНГ ГУВОҲНОМАСИНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ...»

— Бундан икки ойча бурун шаҳар транспортида ўғлимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини йўқотиб қўйдим. Айтинг-чи, бу гувоҳномани қайта тикласа бўладими? Бунинг учун қаерга мурожаат этишим керак?

К. АШУРОВА,
Зарафшон шаҳри

— **Оила кодексининг 231-моддасига** асосан, туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ҳақидаги далолатномалар ёзувлари, бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шу шахснинг аризасига кўра тикланади.

Агар ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолган бўлса, ёзув боланинг ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг аризасига асосан тикланади.

Ёзувни тиклашдан манфаатдор тарафлар ўртасида низо бўлса, ёзувни тиклаш Фуқаролик кодексига асосан амалга оширилади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари, шунингдек, туғилиш ҳақидаги гувоҳнома ҳам ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасида тикланади.

Faoliyat

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Маҳаллаларимиз тинч, осойишта бўлишида профилактика инспекторларининг хизматлари катта. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчиликнинг олди олинади, ҳудуд осойишталиги таъминланади.

Сурхондарё вилоятида ҳозирги кунда 366 нафар профилактика инспекторлари фаолият юритмоқда.

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» маҳалласида 3600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда иккита боғча, ўрта умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, профилактика ишлари яхши йўлга қўйилган. Милиция капитани Жуманазар Раҳмонқулов, посбон Мақсуд Бухоров ва маҳалла раиси Эшқобил Поёновларнинг биргаликдаги ҳаракатлари боис маҳалла тинчлиги, осойишталиги таъминланмоқда.



И.Хўжаев олган суратлар

ИШЛАШГА ҲАҚЛИСИЗ

— Мен II-гуруҳ ногиронман. Яқинда мурожаатимдан келиб чиқиб, мени маҳаллий меҳнат идораси ногиронлар ташкилотига ишга жўнатди. Бироқ бу ташкилотлар мутасаддилари сиз ногиронсиз, деб ишга олишмади. Айтинг-чи, уларнинг бундай хатти-ҳаракати тўғримми?

Х.МАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳри

— Йўқ, сиз айтаётган ташкилот раҳбарининг хатти-ҳаракати нотўғри. Чунки мамлакатимизда ногиронлар меҳнати қонун билан муҳофаза қилинган. Хусусан, **Меҳнат кодексининг 220-моддасига** мувофиқ, иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат идораси томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт.

ТЭМКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларни бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунда ишлашга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Buqunning gapi

БАНКРОТЛИК – СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Бугунги кунда банкротлик масаласи хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш, ўзаро тўлов интизомини кучайтириш, кредитор ва дебитор қарздорликни ундириш ва ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланиб бораётган бозор иқтисодиётининг асосий белгиларидан бири эркин рақобатдир. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, моддий манфаатдорликни ошириш ва одамларнинг боқимандалик кайфиятидан халос бўлишида эркин рақобатнинг ўрни беқиёсдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, банкротлик тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар бозор муносабатларини тартибга солиш механизмининг таркибий қисмларидан биридир. Янги таҳрирдаги **«Банкротлик тўғрисида»**ги қонуннинг ҳаётга жорий этилиши банкротлик таомилини янада такомиллаштириш имконини бериб қолмай, банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш ишларининг самарадорлигини оширмоқда. Қонунда белгиланган суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жорий этилиши банкротлик арафасида турган корхоналарнинг ўз иқтисодий аҳволини яхшилаб олиш имконини бермоқда.

Андижон вилоят хўжалик судига 2005-2006 йилларда турли назорат қилувчи идоралардан хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлигига оид 317 та ариза келиб тушди. Бу аризаларнинг 237 таси бўйича қарздор корхоналар банкрот, деб топилиб, тугатиш ишлари олиб борилди ва уларнинг 196 таси давлат рўйхатидан чиқарилди.

Масалан, Андижон вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Андижон шаҳридаги «Ризқ» нон ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятини банкрот деб топиш тўғрисида мурожаат қилган эди. Ҳужжатларни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, мазкур корхона кейинги икки йил давомида фаолият кўрсатмаган, асосий восита ва дастгоҳларнинг 80 фоизи эскирган. Натижада корхона қарзга ботган. Жамиятнинг жами қарзлари 135.708.3 минг сўмни ташкил этиб, шундан 60.698 минг сўм муддати ўтган қарзлардир. Бунинг натижасида 2005 йилнинг 6 ойлик якуни бўйича банкротлик ва санация масалалари бўйича республика ҳукумат комиссиясининг банкротлик тамойилини қўллаш таклифи маъқулланган. Хўжалик судининг тегишли ажримига кўра, банкротлик иши қўзғатилиб, қарздорга нисбатан **«Банкротлик тўғрисида»**ги қонуннинг 62-моддасига асосан кузатув жорий этилди. Уни олиб бориш учун муваққат бошқарувчи тайинланди.

Аммо кузатув даврида гарчи 90.906 минг сўм кредиторлик қарзи, яъни ички тизимдаги корхоналардан бўлган қарздорлиги ёпилган, иш ҳақидан 2 миллион сўм қопланган бўлса-да, жамиятнинг қарздорлиги 2005 йил сентябрь ойи ҳолатига 42 миллион 802 минг сўмни, шундан муддати ўтгани 33 миллион 348 минг сўмни ташкил этган.

Андижон шаҳар ДСИ маълумотига кўра, жамиятнинг солиқ тўловларидан қарзи 20 миллион 8283 минг сўми, устамаси эса 4 миллион 1563 минг сўмни ташкил этади. Ана шундай ҳолат корхонани синишга олиб келган. Вилоят хўжалик суди иш ҳужжатларини чуқур ўрганиб, «Ризқ» ҳиссадорлик жамияти иқтисодий ночор аҳволда, тўлов қобилиятига эга эмас, деган хулосага келди ва уни банкрот деб эълон қилди.

Суд қарорига кўра корхонани тугатиш бўйича бошқарувчи тайинланди. Шундан сўнг корхонанинг молмулклари баҳоланиб, «ким ошди» савдосига қўйилди. Корхона 425 миллион сўмга Андижон шаҳрида жойлашган «Транссервис савдо» корхонасига сотилди. Айни пайтда ушбу корхона томонидан тўловлар амалга оширилиб, кредиторлардан қарзлар узилди. Ушбу корхонани тугатиш ишлари тугатиш бошқарувчиси томонидан якунланиб, корхона тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди.

Шу каби 2005-2006 йиллар давомида «Хўжаобод консерва», Булоқбошидаги 162-АТК, «Хонободларранда», «Андижон» акциядорлик жамиятлари суд томонидан банкрот, деб эътироф этилган.

Суд ҳужжатларини ўрганиш жараёнида бу корхоналарнинг зарар кўриб ишлаши ва иқтисодий ночорликка тушиши сабаблари ойдинлашади. Аввало, бундай банкротликка учраган корхоналарнинг раҳбар ва мутахассислари бозор механизми асосида иш ташкил эта олмаган. Натижада корхона бозордаги рақобатга бардош бера олмай қолган.

Шу билан бирга корхоналар томонидан олинган узоқ муддатли кредитларнинг мақсадсиз ишлатилиши, бозор талабларига зид равишда хўжасизларча фойдаланилиши ҳам банкротликка сабаб бўлган.

Албатта, буларнинг бари, маҳсулот сифатининг пасайиши, таннархининг кўтарилиб кетишига олиб келади. Сифати паст, нархи баланд маҳсулотни сотиш осон эмас. Агар корхоналарнинг айланма маблағлари камайиб бораётганлигига эътибор қаратилиб, инвесторлар жалб этилганда, ўз мулки ва маҳсулотлардан нотўғри фойдаланишга йўл қўйилмаганида, ишчи кучлардан унумли фойдаланиб, қўшимча даромадлар топиш йўлга қўйилганда корхоналар бундай аҳволга тушмаган бўларди.

Судларда банкротлик ишини кўришда қонунда белгиланган ҳуқуқий ҳолатлар билан бирга корхонанинг иқтисодий аҳволи, қарзларнинг вужудга келиш сабаблари, меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояси каби ҳолатлар ҳам чуқур ўрганилмоқда ва тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, вилоят хўжалик суди томонидан айбдор шахсларга нисбатан 2005-2006 йилларда 5 та жиноят иши қўзғатилди, 10 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз корхоналарга нисбатан банкротлик таомилининг қўлланилиши ўз самарасини бермоқда. Масалан, Бўз улғуржи мева-сабзавот ҳиссадорлик жамияти, Полвонтош пойабзал фабрикаси, «Андижонбалиқ» акциядорлик жамиятлари банкрот деб эълон қилингандан сўнг тугатиш давомида қарзларини тўлиқ тўлаганлиги сабабли банкрот иши иш юритувидан тугатилди. Бу корхоналар иқтисодий ночорликдан чиқиб, ўзини ўнглаб олди.

Банкротлик тамойилини жорий этишдан кўзланган мақсад — мавжуд корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган. Ҳар бир корхона барқарор фаолият юритса, иқтисодиётимиз юксалади, моддий неъматлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Буларнинг ҳаммаси мустақил давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Демак, банкротлик тамойилининг тўғри қўлланилиши иқтисодий тараққиётни белгилайди.

Фазлиддин ШАМСУДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

АЛИМЕНТ ҚОНУНИЙ АСОСДА УНДИРИЛАДИ

— Ўртада никоҳ бекор қилингач, собиқ турмуш ўртоғим анча вақт фарзандимга алимент тўлаб келди. Энди эса тўламай қўйди. Бунинг сабабини суриштирсам, у алимент тўлаш мажбуриятим тугади, деб жавоб берди. Айтинг-чи, алимент тўлаш мажбурияти қачон тугайди?

З.ҲАЙДАРОВА,
Самарқанд вилояти

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш жоизки, **Оила кодексининг 147-моддасига** мувофиқ, алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув муддатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугайди.

Суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш, бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда;

- фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда;

- суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган, деб топганда;

- меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда;

- алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда тугатилади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Mohiyat

ШАРТНОМА ЛАФЗ ДЕМАКДИР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шартнома маданияти замирида турли хил муносабатларга киришувчилар ўртасидаги иттифоқлик, қўйилган мажбуриятларни тўғри ва аниқ тушуна олиш ҳамда вазифаларнинг бажарилишида масъулиятни ҳис этиш каби омиллар ётади.

Шартнома маданияти юксак бўлган жамият, миллат билан иқтисодий муносабатга киришишга, шерик ёки ҳамкор бўлишга барчада мойиллик уйғонади.

Бирон-бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб, тижорат билан боғлиқ тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларни амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки шартнома бу фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, унда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларининг натижаси, тижорат билан боғлиқ тадбирларнинг якуни жуда кўп ҳолатларда шартноманинг қандай тузилганлиги ёки расмийлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

Бу табиий ҳол, албатта, шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотнинг нархи, муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқа ҳолатлар назарда тутилган бўлади.

Умуман олганда, хўжалик шартномаси нима, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, шартнома бу фақат ўзининг ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиш учун тузилган ҳужжат эмас, балки томонларнинг ўзаро келишуви, биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида фойда кўриш учун бўлган розилигини ифода этувчи ҳужжатдир. Шу ўринда, агар томонлар ўртасида ўзаро розилик бўлмаса, шартнома ҳақида гап ҳам бўлмаслигини таъкидлаш зарур.

Дунёнинг тараққий этган давлатларидаги сингари мамлакатимиз қонунчилигида ҳам икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома, деб белгилаб қўйилган. Республикамизнинг барча фуқаролари ва юридик шахслари шартнома тузишда эркиндирлар, яъни қонунчилигимизда мажбуран аталиши шартнома тузишга йўл қўйилмайди, деган тамойил алоҳида белгиланган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар, улар хоҳ юридик шахс бўлсин ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс шартнома тузишда эркиндирлар. Шундай экан, тадбиркорлик субъектлари ўзаро тузаётган хўжалик шартномаларида қонун доирасида ҳар қандай шартларни мустақил белгилаши мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизда турли мулк шакллари, янгидан янги хўжалик юритувчи субъектлар юзага келди. Масалан, биргина қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ислоҳотлар туфайли республикамизда 200 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шартномавий муносабатларда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил олиб борилишини таъминлаш юзасидан бир қатор иқтисодий институтлар фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг бажарилишини ўз ваколати доирасида назорат қилиш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, вазирлик ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Шунингдек, адлия вазирлиги турли хилдаги шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини тайёрлаб, амалиётда қўллаш учун кенг оммага етказиб бермоқда.

Бундан ташқари, адлия идоралари ходимлари 2006 йил ҳосили учун пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан 83.584 та ва ғалла маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 75.081 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар.

Шунингдек, 2007 йил ҳосили учун ғалла маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 82.120 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, шартномавий мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун уларни тузиш жараёнида локайдликка йўл қўймаслик керак, акс ҳолда йўл қўйилган хато ва камчиликлар шартномаларни белгиланган тартибда ижро қилинишига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Шокир САИДОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи,
Жамшид НУРИДДИНОВ,
етакчи маслаҳатчиси

Xabar

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР МУҲИМ ОМИЛ

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, ўтган давр ичида ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий замини яратилди.

Сир эмаски, ҳар бир жамиятда ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ бўлади. Шахснинг фаоллиги, жамиятдаги ўзгаришларга чинакам фуқаровий муносабати кўзланган мақсадга тезроқ етишнинг муҳим омилларидандир.



Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигини таъминлаш билан бирга жамиятдаги жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи фуқароларнинг жипслашувини, жамиятнинг бир бутунлигини ҳамда батартиблигини таъминлайди.

Ушбу йўналишда Адлия вазирлиги томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вазирликнинг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси ташаббуси билан 2006 йил сентябрь ойидан бугунгача жойларда 50 дан ортиқ тарғибот ишлари амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг 3 октябрь куни Тошкент "Авиасозлар" коллежида бўлиб ўтган тадбир Бош қомусимизнинг 14 йиллигига бағишланди. Мазкур давра суҳбатида Конституциямизнинг қатор моддалари ҳуқуқшунослар томонидан кенг шарҳлаб берилди.

Тадбирда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинлиги хусусида ҳам сўз бориб, бу борада Конституциямизда кўзда тутилган моддалар ҳақида батафсил фикр юритилди. Жумладан, Бош қомусимизнинг **«Жамият ва шахс»**, деб номланган бўлимида Республика иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниши, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши таъкидланади.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг эркинлик яратиб беради.

Тадбирда талабалар томонидан кўплаб саволлар ҳам берилдики, бу бугунги ёшларнинг республикамизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотларга қизиқиши юқори эканини кўрсатади. Шунга ўхшаш тадбирлар пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Гузар боши», Миробод туманидаги «Баротхўжа» маҳаллаларида, Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейларида ҳам бўлиб ўтди.

Умида ЭРГАШЕВА,
Лолахон КАРИМОВА,
Адлия вазирлигининг масъул ходимлари

Mushohada

ОИЛА МУҚАДДАС

уни асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз

Оила — Ватан ичра мўъжаз ватан, у ўзаро иттифоқлик, тотувлик, меҳр-муҳаббат асосига қурилади. Оилада истиқбол эгалари — фарзандлар камол топади. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда оила — жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза этилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, оилага эътибор кучайди. Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил Оила йили, деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг «Оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги, «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди, оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат миқёсидаги муҳим ишга айланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда барчага ибрат бўлгулик оилалар жуда кўп. Зангиота туманида яшайдиган Тожихон опанинг оиласи ҳам маҳаллада эътибор топган намунали хонадонлардан. Опани оиланинг оқила бекаси сифатида катта-кичик бирдай ҳурмат қилади. Кутилмаганда Тожихон опа юрак хуружи билан касалхонага тушиб қолди. Кўп йиллик қадрдон бўлганимиз боис, йўқлаб бордим. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ҳазиллашган бўлдим:

— Тожихон опа, беш фарзандингиз ҳам ўзларидан тиниб-тинчишган, сизга юрак дардини ким қўйибди?..

Тожихон опа бир муддат ўйга чўмиб қолди. Афтидан, дилидагини айтсамми-йўқми, дея мулоҳаза қилиб олди, шекилли, кейин секин гап бошлади.

— Синглим, ҳукуматимиз оила қураётган келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтишлари шарт, деб беҳуда бонг урмас экан. Гап орамизда қолсин-у, ўтган йили кенжа ўғлимни уйлантираётганда ҳамшира қизим: «Ёшларни овора қилишдан нима фойда?» — деди-ю, тиббий варақани ўзи тўлғазиб келди. Мана энди ўзимиз икки ўт орасига тушиб қолдик, — дея кўзларига ёш олди.

Очиғи, ноқулай вазиятда қолдим. Бемор аёлнинг яқини янгилаганим бир сари, юраги қайта безовта қилиб қолса, нима қиламан, деган ўйда опани тинчлантириб, кетишга чоғландим.

— Сиз хижолат бўлманг, гапирсам, қайта дардим енгиллашади — деди опа мени ўтиришга ундаб. — Биласиз, оиладаги гапни кўчага олиб чиқиб бўлмайди. Лекин сиз матбуотда шу масалани ёритсангиз, кўпчиликка сабоқ бўлади, дейман-да.

Тожихон опанинг самимий сўзларидан таскин топиб, уни жон қулоғим билан тинглай бошладим.

— Ҳуллас, кенжа келинимни биласиз, оёқ-қўли чаққонгина, қўли гул тикувчи. Лекин келин бўлганига бир ярим йил бўлибдики, ҳар ойда икки марта... дарди хуруж қилади. Дастлаб буни ҳомиладорлик давридаги ўткинчи ҳолат, деб ташхис қўйишгач, ўғлим касал хотин билан яшамайман, деб оёқ тираб туриб олди. Бир ярим йилдан буён ойда икки-уч марта келинимни ҳушига келтириш учун куюб-пишаман, устига-устак гулдай оиланинг барбод бўлаётганини ўйлаб юрагим эзилди.

Очиғи, онахоннинг изтиробларидан мен ҳам ташвишландим. Демак, бир оила ажралиш арафасида... Ҳўш, бунинг асосий айбдори ким? Нега ота-она касал фарзандини турмушга узатаётиб, унинг келгуси ҳаёти ҳақида қайғурмади? Касални яширган билан иситмаси ошкор қилишини турмушнинг аччиқ-чучугини тотган ота-она наҳотки ўйлаб кўрмаган бўлса? Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»**ги Низомига кўра, туғма касалликка чалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти жорий этилди. Тожихон опа фарзандига ана шундай қулай имкониятдан ўз вақтида фойдаланишни маслаҳат берганида, эҳтимол, ўзи ҳам дардга чалинмаган, ёш оила пароканда бўлмаган, қолаверса, туғма касал чақалоқ дунёга келмаган бўларди?

— Биз имкон қадар оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, эр-хотинга ярашиш учун муҳлат берамиз, тушунтириш ишларини олиб борамиз, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди судьяси Салима Эшонқулова. — Айрим ҳолларда эса Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 19-бандига асосан, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво талабларини рад этамиз. Кези келганда, айтиш керакки, баъзи ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, тўрмушга енгил-елпи қараш, айрим қайноналарнинг инжиқликлари оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Кенгга-кенг, торга-тор дунё, дейди доно халқимиз. Оилада қайнона ҳам, келин ҳам феълини кенгроқ қилса, кечиримли, оғиртабиат бўлса, менимча, ҳеч қандай низо келиб чиқмайди.

Дарҳақиқат, С. Эшонқулова таъкидлаганидай, турмуш қурганларига ҳатто бир йил ҳам тўлмай, судга никоҳни бекор қилиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилаётганлар ҳам кам бўлсада, учраб туради. 2006 йил 19 сентябрь куни Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди даъвогар С.С.нинг жавобгар А.З.га нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, эр ва хотин ўртасидаги келишмовчилик вақтинчалик эканини, жавобгарнинг оилани тиклаш нияти борлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабларини рад этишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Дарвоқе, хотин-қизлар қўмиталари, айниқса, маҳалла кенгашлари қошидаги яраштирув комиссияларининг оилавий низоларни бартараф этиш, томонларни ўзаро муросага келтириш каби ҳайрли ишларга бош-қош бўлишлари ўз самарасини бермоқда. Бинобарин, жойлардаги мутасаддиги ҳамкорлик нотинч оилалар ҳолидан хабар олиб, келишмовчиликларга ўз вақтида барҳам беришса, юқоридаги каби оилалардаги низолар судгача етиб бормайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Taassuf

ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

УНДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ ҲЕЧ КИМГА ОБРЎ КЕЛТИРМАЙДИ

Мансаб шахсга берилган туҳфа эмас. Унинг ўзига хос масъулияти борки, бу масъулиятни тўғри ҳис қилиш кишини доимо юксакликка етаклайди. Мансаб ваколатидан четга чиқиш, қонун йўриғига амал қилмаслик эса охир-оқибатда юзшувитликка олиб келади.

«Ўзгазсуғурта»нинг Тўрткўл туман бўлими мутахассиси Э. Аннагелдиев бошчилигидаги гуруҳ томонидан 202 нафар фуқаронинг уй-жойлари ҳамда чорва молларини суғурталаш бўйича пинҳона режа тузилди ва 8 та рўйхат орқали тегишли фуқароларга 8.914.470 сўмлик суғурта пуллари ажратилди. Аммо нафс қутқусига учган Э. Аннагелдиев «Халқ банки»нинг туман бўлимига қарашли 011-сонли шоҳобча ҳисобчи-назоратчиси И.Кароматдинов билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, суғурта пуллари ёзилган рўйхатга фуқаролар номидан сохта имзо чекиб, умумий суғурта пулининг 750.000 сўмини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Бундан ташқари, туман суғурта бўлими ҳисобчиси А.Худойберганов ҳам ҳамкасби «изидан» бориб, «Халқ банки»нинг 24-сонли шоҳобчаси ҳисобчи-назоратчиси А.Камолов ҳамда ғазначи К.Исмоилов билан ўзаро тил топишди. Текширувлар натижасида улар томонидан 8.784.752 сўм миқдоридаги суғурта қоплама пуллари ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Тумандаги «Вега» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Қурбонниёзов эса ўз фаолияти давомида туман Давлат солиқ инспекциясига ҳисоботларни 95.544.200 сўмга камайтириб кўрсатган. Натижада у нопок йўл орқали 3.057.400 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламай келган.

«Қорақалпоқтаъмирлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятининг собиқ раҳбари С.Икметуллаев ва собиқ бош ҳисобчи К.Ургенжбоевалар 2005-2006 йилларда мазкур жамиятга етакчилик қилишган. Ажабланарлиси шундаки, бир оила соҳиблари саналмиш ҳар иккала раҳбар 2005 йил давомида институтнинг ҳисоб рақамида етарлича пул маблағлари бўлишига қарамасдан, жамиятнинг бюджет олдидаги 8.248.900 сўм қарзини тўлаш чораларини кўришмаган ва аксинча, ҳисоб рақамидаги маблағларни бошқа мақсадларга сарфлашган. Яна ҳам қизиқроғи, С.Икметуллаев ва К.Ургенжбоева ўз хизмат лавозимларидан бўшатилгач, жамиятнинг ўтган даврлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини янги тайинланган раҳбарларга далолатнома орқали топширишдан бош тортишган. Устига-устак, Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига талаб этилган ҳужжатларни кўрсатишга бўйинлари ёр бермаган.

Яна бир мисол. «Медиа Нукус» хусусий фирмаси раҳбари Ш.Реимбоева «Алоқабанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали мансабдор шахслари билан тил топишиб, фирманинг ҳисоб рақамида пул маблағи йўқлигига қарамай, банкдан ўз ҳисоб рақамида 13.000.000 сўм миқдорида пули борлиги ҳақида сохта маълумотнома олган ва ушбу қалбаки ҳужжатга асосланиб, Нукус шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Савдо департаментидан 2006 йилнинг 5 июлида улгуржи савдо билан шуғулланишга рухсат берувчи 127-сонли лицензияни қўлга киритган.

Ўз навбатида банк мутасаддилари «Медиа Нукус» хусусий фирмасига бўлган «ҳомийлиги»ни давом эттириб, жорий йилнинг 18-19 июль кунлари фирма ҳисоб рақамига келиб тушган 67.700.000 сўм миқдордаги пул маблағлари ҳусусида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига маълумотнома тақдим қилмаган ва аксинча, ушбу маблағининг 56.852.800 сўмини зудлик билан фирманинг «Пахтабанк» бўлинмасидаги ҳисоб рақамига ўтказиб юборган. «Алоқабанк» бўлими мутасаддиларининг ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, «Медиа Нукус» хусусий фирмасига савдо «ҳомийлиги»ни яратиб бергани оқибатида фирма 2006 йилнинг 18 июлдан буён ўтилган давр мобайнида 156.508.100 сўмлик товар айланмасини амалга оширган ва қонун билан ҳимоя қилинадиган давлат манфаатларига жиддий зарар етказган.

Раҳбарлик ҳалоллик ва холисликни талаб қилади. Катта ёки кичик жамоа тақдири учун жавобгар бўлган ҳар қандай масъул шахс ўз мансаб ваколати доирасида, қонун измида фаолият юритиши лозим. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон фақат ўз ғами, фойдасини эмас, келажакни, эл-улус манфаати ва равнақини ўйлаб яшаши керак.**

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ХХІ АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ВЕНГРИЯ: ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ассошейтед Пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Венгрия бош вазири Ференц Дюрча ва унинг амалдаги ҳукумати истеъфога чиқишини талаб қилган ўн минглаб фуқаролар намойиши икки кундан буён давом этмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган жума куни мамлакат пойтахти Будапештда намойишга чиққанларнинг сони 50 мингдан 80 минг нафаргача етган.

«Интерфакс» ахборот агентли тарқатган маълумотларга кўра, Венгриянинг етакчи партияларидан бўлган «Ёш демократлар иттифоқи» ушбу ҳаракатга бошчилик қилмоқда. Шанба куни ҳукумат биноси ёнида уюштирилган намойишга партиянинг вакиллари, сиёсатчилар ҳамда мамлакатда фаолият олиб бораётган ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этишган.

«РИА Новости»нинг хабар беришича, намойишчилар биринчи навбатда бош вазир Ференц Дюрча ва у бошчилик қилаётган ҳукуматнинг истеъфо бериши ҳақида қатъий талаб билан чиққан бўлса-да, аммо бош вазир истеъфо бермаслигини маълум қилган.

Мамлакатда давом этаётган тартибсизликлар оқибатида полиция вакилларидан 150 нафар, намойишчилардан эса ўнлаб кишилар турли даражада тан жароҳати олган.

ИРОҚ: СУИҚАСД УЮШТИРИЛГАН

Маълумотларга қараганда, Ироқ вице-президенти Тарик ал-Ҳошимийнинг укаси генерал Аҳмад Ҳошимий ҳаётига номаълум жангарилар томонидан суиқасд уюштирилган.

«Интерфакс» берган маълумотларга кўра, полиция либосидаги бир гуруҳ қуролланган жангарилар генералнинг уйига бостириб кириб, ўқ узишган. Қотиллик содир этилгач, Ҳошимийнинг яқин қўшниси, Ироқ амалдорларидан бирини ўғирлаб кетишган.

Маълумки, Тарик ал-Ҳошимий Ироқ етакчиларидан бири ҳисобланади. У шу йил 22 апрелда Ироқ суннийлар партияси томонидан ҳокимиятга келган. Мамлакатда сунний ва шиа мазҳабидагилар ўртасидаги давом этиб келаётган можароларни ижобий ҳал этишга уринган эди.

Бундан ташқари, Ироқда яна бир фожиа рўй берди. Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, 1200 нафар маҳаллий полиция вакиллари овқатдан заҳарланган. Якшанба куни Бағдоддан 175 километр жанубда жойлашган полиция идорасида 60 нафар маҳаллий полиция вакиллари тушлик вақтида ўзларини бехузур сезишган. Ва улар шу заҳотиёқ шифохоналарга жойлаштирилган.

«Известия» газетаси воқеа содир бўлган ҳудуд ҳокими Ҳамада ал-Латифнинг берган расмий маълумотларига таяниб ёзишича, овқатдан заҳарланган полиция вакилларининг кўпчилигининг аҳволи оғирлашганлигини маълум қилади. «Зе Австралин» газетаси эса заҳарланган полиячиларнинг оғзи-бурни ва қулоқларидан бетўхтов қон оқаётганини қайд этган.

ГЕРМАНИЯ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ

Германия канцлери Ангела Маркель ўзининг Туркияга қилган икки кунлик ташрифи чоғида Германия ҳукумати Европа Иттифоқининг Болгария ва Руминия давлатлари аъзолиги билан тез суръатларда кенгайиб боришига қаршилигини билдирди.

РИА «Новости» ахборот агентлигининг билдиришича, Германия канцлери Истамбулда Немис-Турк иқтисодий ҳамкорлик форумида иштирок этар экан, жумладан, «Биз Туркия ва Хорватиянинг 2007 йилда Европа Иттифоқига аъзолик масалаларини ҳал этмоқдамиз. Лекин яқин келажакда Европа Иттифоқи ўз таркибига янги аъзоларни қабул қилишга тайёр эмас»-дея таъкидлади. А.Маркель ЕИ ўзининг ваколати ҳамда масъуллигини конституциявий белгилаб қўйиши лозим, деб ҳисоблайди. Шунингдек, А.Маркель Туркия ва Германия ўртасидагни иқтисодий ҳамкорликни ижобий баҳолаб, бундай саъй-ҳаракатлар Туркияни тобора ЕИга аъзо бўлишга яқинлаштиради, дея таъкидлади.



РОССИЯ ТИНЧЛИК ЙЎЛИНИ ТУТДИ

Лондонда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўз ишини якунлади. Эроннинг ядро муаммоларига бағишланган ушбу йиғилишда Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар вакиллари қатнашдилар. Йиғилишда Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ҳам иштирок этган. Музокаралар чоғида сиёсатчилар расмий Техрон ўзининг уран дастурини тўхтатишга умид билдирдилар.



С.Лавровнинг эътироф этишича, ҳар бир давлат ташқи маҳкама мулозимлари ушбу муаммо юзасидан ўзларига керакли вазифаларни белгилаб олди. Россия ҳам Эроннинг уран масаласини ҳал этишда ўз позициясида турганлигини билдиради. Жумладан, у НТВ телекомпаниясига интервью берар-кан, «Биз мазкур муаммони ҳал этишда турли хил жазо чораларини қўллаш эмас, балки тинч музокаралар йўли кўпроқ асқотади, деб ўйлаймиз», - дея таъкидлаган.

Интернет материаллари асосида Мадина ХАМДАМОВА тайёрлади

Jinoyat va jazo

УМР ДОВОНИ

Умр яратганнинг берган тенгсиз инъомидир. Аммо ҳаммамиз ҳам унинг қадрига бирдек етавермаймиз. Қай биримиз фақат ва фақат эзгуликка интилиб яшасак, яна биримиз баднафслигимиз билан унинг ғанимат дамларини беҳуда елга совурамиз.

Бугун сизга баён қилмоқчи бўлган воқеалар ҳам нафс домига тушиб, ҳаёт йўлидан адашган кимсалар ҳақида.

Суд очерки

I. Лоқайдлик касри

Марғилон шаҳрида яшовчи Наргиза Соҳибова (исм-шарифлари ўзгартирилган) кўпдан буён турмуш ўртоғи билан ораларида чиққан арзимаган жанжал сабаб онаси Ҳанифа Алиеванинг уйида яшаётганди. Шу йилнинг 9 февраль куни Ҳанифа опа кичик қизи Дилноза билан узоқ қариндошлариникига меҳмонга борадиган бўлишди. Онаси ва синглисини кузатгач, Наргиза ҳам кўчага отланди. Тушга яқин турмуш ўртоғи Икромжонни қидириб топди ва бўлиб ўтган гап-сўзлар, аразни унутиб, унга сўз қотди.

— Бирорта улов топинг, онамникидан кўч-кўронни олиб келайлик.

Икромжон хотинининг табиатидаги бу тасодифий ўзгаришни кўриб, таажжубланди-ю, аммо сабабини суриштириб ўтирмади. Чунки унинг ўзи анчадан бериб шуни кутиб юрганди.

Тез орада машина ҳам топилди. Эр-хотин биргаликда юк машинаси билан шаҳарнинг Пошшохўжаев кўчасида жойлашган Ҳанифа опанинг дарвозаси ёнида тўхташди. Наргиза аввалига ўзининг кўчаларини ташиб чиқди. Сўнгра 473.000 сўмлик кўрпалик, 280.000 сўмлик кўйлаклик матолар, 140.000 сўмлик 2 та дераза ромлари, «Чайка» русумли 100.000 сўмлик тикув машинаси, 1 дона 100.000 сўмлик диван, 150.000 сўмлик бир жуфт қашқар тилла балдоғи каби 41 турдаги жами 2.373.000 сўмлик онасига тегишли бўлган уй-рўзғор буюмларини ҳам кўшиб, машинага юклади. Бошқача айтганда, хонадонни «тозалаб» чиқди. Бироқ буни эрига ҳам, ҳайдовчига ҳам билдирмади.

Эртаси куни шом маҳали Ҳанифа опа уйига қайтиб келиб, қараса, уй ичи-ю, ҳовлиси шип-шийдон. Она ўғирлик содир этилгани ва бу Наргизанинг иши эканлигини дарҳол сезди. Негаки, ўғирликни бегона одам қилса, Наргизанинг бехабар қолиши мумкин эмасди. Қолаверса, буни кўни-кўшнилар ҳам тасдиқлади. Шунга кўра, она содир бўлган воқеа ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси Наргизага нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатларини бошлади. Тергов жараёни давомида у буюмларнинг 381.000 сўмлигини онасига қайтарди. Бироқ...

Бироқ букрини гўр тузатади, деганлари рост экан. Негаки, Наргиза ҳали тергов ҳаракатлари давом этаётган бир пайтда яна онасининг уйига ўғирликка тушди. Бу гал у синглиси Дилнозанинг 80.000 сўмлик тилла тақинчоғи ва онасининг 100.000 сўмлик «Чайка» русумли тикув машинасини иккинчи маротаба ўғирлади. Бу ҳам майли, орадан бир ҳафта ўтиб, Наргиза 12 ёшли қизи Шоҳистани ҳам ўғирликка мажбур қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mushohada

ОИЛА МУҚАДДАС

уни асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Умуман, никоҳнинг бузилиши сабаблари бир-бирига ўхшамайди. Айтайлик, турмуш қурганларига ўттиз йилдан ошган эр-хотин М.М. ва М.Г.ларнинг ҳаётига ичкиликбозлик рахна солган. Эрининг муттасил ичиб келиши оқибатида жанжал, тўполондан безган аёл фуқаролик судига никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд тарафлар фикрини тинглаб, гувоҳларни сўроқ қилиб, фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, даъвони қаноатлантиришни лозим топди. Муқаддам тарафларга ярашиш учун берилган муддатда ҳам оила тикланмаган. Ичкиликнинг касофати туфайли уч нафар бола ота меҳридан жудо бўлди.

Шуниси аёнки, оиланинг бузилиши оқибатида фарзандлар ҳаммадан кўпроқ азият чекишади.

— Ота-онам мен беш ёшга тўлмасимдан ажралишган, — дейди Саодат исмли суҳбатдошимиз. — Укам иккимизни зориқтирмай ўстириш учун онам икки жойда ишларди. Мен-ку, онамнинг юзини ерга қаратмадим, аммо укам... ўн икки ёшидаёқ безори болаларга қўшилиб, ўғирлик билан қўлга олинди. Ёшлиги боис, укамга жазо тайинланмади. Онам ўғил болага ота тарбияси кераклигини тушуниб, турмушга чиқди. Ўгай отамизни ёмон, дея олмайман. Аммо укам билан ўгай отам мутлақо келиша олмас, уларнинг жанжали укаларимга ҳам салбий таъсир қиларди. Онам шўрлик кимнинг ёнини олишини билолмай, аросатда эди. Ахийри, укам қайта жиноят содир этиб, қамалиб кетди. Унинг келажагини ўйлаб, кечалари ухлолмайман... Ўз отамизнинг бағрида яйраб ўсганимизда, балки укамнинг ҳаёти бунчалик издан чиқиб кетмасмиди...

Афсуски, ҳаётда фарзандининг тақдирига қайғурмай, фақат ўз ҳаловатини кўзлаб, оиласини пароканда қилаётган ота-оналар ҳам учрайди. Ҳ.Б. ва Ҳ.Г. 1987 йили қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Улар 1997 йил май ойидан буён алоҳида рўзғор юритишади. Ҳ.Б. гарчи қонуний никоҳи бекор қилинмаган бўлса-да, бир аёл билан шаръий никоҳдан ўтиб, оила қурган. Уларнинг икки нафар фарзанди бор. Фуқаролик суди Ҳ.Б.нинг даъво аризасини ҳар томонлама ўрганиб, Ҳ.Б. билан Ҳ.Г. ўртасидаги қонуний никоҳни бекор қилиш ҳақида қарор чиқарди. Ҳ.Б. суд жараёнида фарзандларига моддий жиҳатдан ёрдам бериб туришни зиммасига олди. Аммо «моддий ёрдам» маънавий кемтикликнинг ўрнини тўлғаза олармикан? «Характерлари тўғри келмаслиги» тўрт болали бўлишгунча ўйлаб кўришса бўларди-ку...

Ўрни келганда айрим оилаларнинг бузилишига қайнона-келин муносабатларининг «муносиб улуши» борлигини ҳам эътироф этмай иложимиз йўқ.

Чекка туманлардан бирининг фуқаролик судига уч нафар фарзанднинг отаси ажралиш учун даъво аризаси берган. Тажрибали судья унинг кўнглига қўл солиб, болаларини етим қилиш нияти йўқлигини, оиласидан кўнгил узолмаётганини англаб, даъво аризасини рад этади.

— Ҳе, лапашанг, шу хотин билан яшайдиган бўлсанг, мени онам демай қўя қол, — дейди судга гувоҳ сифатида келган она. — Бундай келин менга керак эмас...

Можаронинг илдизи қаердалигини пайқаган судья онахон билан алоҳида суҳбатлашиб, норасида набираларининг уволига қолмасликни, «қайнона қайнамаса, келини айнамас»лигини ётиғи билан тушунтиради. Хуллас, судьянинг тажрибалилиги туфайли бир оиланинг турмуши ўз измига тушиб кетди.


Ҳаёт мураккаб. Биргина, «айб мендан ўтди, маъзур тутинг», деган сўзни айтишга ғурури йўл бермай, оиласидан жудо бўлганлар билан суҳбатлашсангиз, «кўз очиб кўрганига етмаслиги»ни айтиб, «аттанг», қилишдан нарига ўтишмайди.

Ҳа, халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билади. Шу муқаддас кўрғонга путур етмаслиги учун, аввало, уни ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб, сўнг бунёд этмоқ лозим. Қолаверса, юртимиздаги ҳар бир оилани асраш — ўз шаънимиз, ғуруримиз, оримизни асраш билан баробардир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

Mutolaa

ЯНГИ СОН НАШРДАН ЧИҚДИ



Муштарийларни мудом ранг-баранг мавзулар қизиқтиришини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. «Ҳуқуқ ва Бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журналининг навбатдаги 4-5-сонлари билан танишган муштарийлар ҳуқуқий мавзуда ёритилган қатор мақолалардан баҳраманд бўладилар.

«Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суднинг қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратиш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди», – деб ёзади Республика Олий суди раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов «Суд ислоҳотлари инсон манфаатлари ҳимоясида» сарлавҳали мақоласида.

Республика Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Нурмат Ахмоновнинг **«Қонун устуворлиги йўлида»** сарлавҳали мақоласида ҳам **«Юртбошимизнинг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, хўжалик судларига иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қўшимча ваколатлар берган 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонлари тизимимиз ривожи учун беқиёс»** аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиёнинг **«Ҳуқуқ ва бурч мувозанати»**, юридик фанлари доктори Баҳром Саломовнинг **«Айбга иқрорлик виждон масаласидир»**, юридик фанлари номзоди Ўткирбек Муҳамедовнинг **«Ҳуқуқий экспертиза»**, ҳуқуқшунос Эргаш Сайитовнинг **«Яшаш ҳуқуқи»**, юридик фанлари доктори Омонулла Муҳаммаджоновнинг **«Парламент келишуви»**, тадқиқотчи Тўлқин Эшбекнинг **«Журналист ҳуқуқи»**, юридик фанлари номзоди А.Примовнинг **«Ёлланма йўриқчи»** сарлавҳали мақолаларида қонунларимиз амалиётининг турли қирралари, ҳуқуқшуносликка оид ранг-баранг мавзулар ўз ифодасини топган.

Ўтмишсиз келажак бўлмайди, деганларидек, журналнинг мазкур сонидан ўрин олган тарихий мавзулардаги мақолалар ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди. Таниқли олим Наим Каримовнинг **«Қишлоқ фожиаси»** сарлавҳали мақоласида ўтган асрнинг 20-30 йилларидаги фожиалар ҳақида сўз юритилса, Аброр Қиличевнинг **«Амир Темур давлатида ижтимоий-сиёсий институтлар»** мақоласида қайд этилишича, қурултойлар, кенгашлар ва тадбирлар каби ижтимоий муассасаларнинг Амир Темур давлати сиёсий тизимидаги роли алоҳида. **«Энг муҳим томони шундаки,**– деб ёзади муаллиф,– **бу институтларнинг аксарияти бугунги кунда сиёсий-ижтимоий жиҳатдан янгича маъно-мазмун касб этиб, мамлакатимиз сиёсий тизимида ҳам фаол қўлланилмоқда»**.

Тарихимизнинг турфа саҳифаларини тадқиқ этишга қаратилган бундай мавзулар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Аҳророванинг **«Замон оғир эди»**, тарих фанлари номзоди Замира Эшонхўжаеванинг **«Барҳаёт «гуноҳкорлар»»**, талаба Гулсарвар Раупованинг **«Улуғбекнинг адолатли тангалари»**, тадқиқотчи Жўрабек Шодиевнинг **«Ҳамкорлик йўлидаги илк қадам»**, Абдуҳаким Ҳасановнинг **«Миллат қалбидаги меҳр»** сарлавҳали мақолаларида ҳам ёрқин акс эттирилган.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар, истиқлол неъматлари, маънавият ва маърифат мавзулари ҳар бир нашрда алоҳида ўрин тутади. Журналнинг ушбу сонида ёритилган Алибой Қаҳрамоновнинг **«Қадри баланд йигит-қизлар»**, тадқиқотчи Ш.Назаровнинг **«Маҳалла институти»**, журналист Маруса Ҳосилованинг **«Маърифат чироғи ўчмайди»**, Шаҳло Шокированинг **«Миллий ғоя»**, У.Эргашеванинг **«Демократик ислоҳотлар»**, Абдулла Собировнинг **«Ширин неъмат»**, иқтисод фанлари доктори Муҳаммадали Саидовнинг **«Инвестиция – сифатли таълим кафолати»**, Д.Зиёдуллаевнинг **«Башорат»**, педагогика фанлари номзоди Жўманазар Ҳасановнинг **«Орзунинг олтин пойдевори»** сарлавҳали мақолаларида ана шу мавзулар кенг ёритилган. Шунингдек, журналхонлар Бобомурод Райимовнинг **«Инсон тақдири»**, Гулрух Ёрматованинг **«Аввал тиббий кўрик, сўнгра тўй»** мақолалари, Фарида Иброҳимованинг **«Қабоҳат»** сарлавҳали суд очерки ҳамда бошқа ранг-баранг мавзулардаги интервью, тилак ва хабарлар билан ҳам танишишлари мумкин.

Журналнинг бадиий безатилиши, ранг-баранг мавзуларни ўзида акс эттирган рангли сурат ва расмлар ҳам муштарийларда илиқ таассурот қолдиради.

Азиза УСМОНОВА

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки

Қашқадарё филиали сизларга қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

Омонат турлари	Йиллик тўланадиган фоиз устамалари	Омонат муддатлари	Энг кам миқдори
Талаб қилиб олгунча	*6%*	*-*	*1.000*
«Табассум»	*18%*	*45 кун*	*250.000*
«Орзу»	*18%*	*3 ой*	*250.000*
«Умид»	*18%*	*3 ой*	*50.000*
«Наврўз»	*18%*	*2 ой*	*250.000*
«Байрам»	*22%*	*45 ой*	*150.000*
6 ойдан 1 йилгача	*17%*	*-*	*250.000*
1 йилдан 3 йилгача	*17%*	*-*	*250.000*
3 йилдан 5 йилгача	*17%*	*-*	*250.000*
Пластик карточка	*16%*	*-*	*1.000*
«Юбилейный»	*18%*	*6 ой*	*150.000*

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 362-84-30, 363-51-04

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Тошкент вилоят адлия бошқармаси Ангрен шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) Паспорт нусхаси;

в) Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 362-84-30, 363-51-04

Jinoyat va jazo

УМР ДОВОНИ

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

— Қўшнимиз Умиджоннинг велосипедини мингани оласану, Қиргулидаги уйимизга олиб бориб қўясан. Кейин уни сотиб юборамиз. Агар гапимга кирмасанг, кунингни кўрсатаман, — дея қизига дўқ-пўписа қилди у.

Онасининг охирги гапидан Шоҳистанинг ўтакаси ёрилаёзди. Шу боис у Умиджонни бир амаллаб кўндириб, велосипедини олди-ю, Қиргулига борди. Лекин уйдан дадасини топа олмай, велосипедни кўшни аёл — Мавлуда Назировникида қолдирмоқчи бўлди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, бундай пайтда боланинг қаровсиз юриши қўшнини шубҳалантиради. М. Назарова дарҳол Ҳанифа опаникига қўнғироқ қилади. Гўшакни кўтарган Дилноза эса жияни қўшни боланинг велосипедини олиб кетиб, қайтмаганлигини билдиради. Бу маҳал телефондаги сўзлашувни эшитиб турган Шоҳиста бу ишга уни онаси мажбур этганини айтиб, йиғлаб юборади... Шу йилнинг 8 сентябрь куни мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Марғилон суди Наргиза Соҳибовага тегишли жазо тайинлади, ундан онасига етказилган ва қопланмай қолган 2.072.000 сўмни ундириш юзасидан ҳукм чиқарди.

II. Ўрганган кўнгил...

Айни пайтда 44 ёшни қоралаб, ҳадемай қуда-андали бўладиган Ботир Рашидов ҳозиргача икки маротаба суднинг қора курсисига ўтирди. Дастлаб ўғирлик жиноятини содир этиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганда у 27 ёшда эди. Бундан ўн йил муқаддам эса босқинчилик жинояти учун 18 йилга озодликдан маҳрум этилган, Юртбошимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонларига биноан тайинланган жазо қисқара-қисқара беш ярим йил деганда, оиласи бағрига қайтганди. Лекин ўзига кўрсатилган бу ғамхўрлик орадан 2 йил ўтиб, Ботирнинг «ёдидан кўтарилди». У 2004 йил 7 июль куни соат 23:30ларда яқин таниши Илҳом Тиллабоев билан бирга Фарғона шаҳрининг Қиргули туманидаги машиналар тўхташ жойига келади. Мақсад бирор-бир киракашни алдаб, машинасини тортиб олиш эди. Уларнинг тузоғига давлат рақами «15 А 97 98» бўлган «Тико» машинаси эгаси Азимжон Саидов осонгина илинди. Ботир машинага яқинлашиб, ўртоғи иккаласини Марғилонга етказиб қўйишни Азимжондан илтимос қилди.

Ҳайдовчи рози бўлди. Фақат машина Марғилон шаҳрининг келишилган кўчасига етиб келгач, режа кучга кира бошлади. Аввалига Ботир зўрлик ишлатиб, Азимжоннинг чўнтагидан 5500 сўм пулини олиб қўяди. Илҳом эса машинага ўрнатилган 15.000 сўмлик «ДЭУ» русумли радиони ечиб олади. Табиийки, ҳайдовчи икки талончига бир ўзи бас келолмади. Аксига олиб, тун яримлаган сари кўчада бирон-бир тирик жон кўринмасди. Бундан фойдаланган ҳамтовоқлар Азимжонни туртиб-суртиб, машинадан туширишади-ю, ўзлари рулга ўтириб, жуфтакни ростлашади. Жабрланувчи эса шу заҳотиёқ яқин орадаги милиция таянч пунктига мурожаат қилади. Шунга кўра шаҳар ички ишлар бўлими томонидан дарҳол тезкор қидирув эълон қилинди.

Кўп ўтмай, «Тико» Тошлоқ тумани далаларидаги катта зовур ёқасидан топилиб, Азимжонга қайтарилди. Аммо ҳадеганда жиноятчиларнинг дараги чиқавермайди.

Ҳаётда каттами-кичикми, бирор жиноят содир этилдими, албатта, унга жазо муқаррар. Бироқ бу ҳақиқатдан кўз юмган Ботир Рашидов бир ярим йилдан кўпроқ вақт мобайнида тергов идораларидан яшириниб юрди. Шу йилнинг бошларида эса осойишталик посбонлари уни ўзи кутмаган ҳолда қўлга олишди. Тақдир тақозосини қарангки, суриштирув жараёнларида аниқланишича, ўғирлик вақти оралиғида унинг шериги Илҳом Тиллабоев вафот этган экан. Бинобарин, жиноят ишининг унга тегишли қисми тугатилди. Ботир эса жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг яқинда бўлиб ўтган суд мажлисида қилмишига яраша жазо олди.

III. Хулоса

Келинг, хулоса қилишдан аввал ҳар иккала жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб кўрайлик. Чунки ҳеч бир оқибат сабабсиз бўлмайди.

Масалан, Н.Соҳибованинг жиноят иши материалларига назар ташланса, унинг ўтмиши жуда «сермазмун» эканлиги кўринади. Маълум бўлишича, Наргизанинг асл «ота-она»си Эрали ака ва Манзура опалар уни гўдаклигидаёқ ташлаб кетишган. Ҳанифа опа эса унинг боқиб олган онаси ҳисобланади. Эътироф этиш керакки, Ҳанифа опа қизалоқни бағрига олиб, эзгу ишга қўл урган. Аммо боқиш билан тарбия беришнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳанифа опа қизнинг тарбиясида бироз эътиборсизлик қилди. Натижада Наргиза 8-синфни тамомлади-ю, «кўча хандон, уй зиндон» қабилида иш кўрди. Бу эса қиз турмушга чиқиб, 2 нафар фарзандли бўлгандан кейин ўз «самара»сини берди. Турмушга чиққач, Наргиза босилиш ўрнига сўнгги 7 йил давомида уч маротаба судланди. Энг ачинарлиси, уч сафар ҳам Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ўғирлик жиноятини содир этган. Дастлабки икки ҳолатда Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонлари билан муддатидан илгари жазодан озод қилинганди. Лекин у ўзига берилган ушбу имконият, қилинган бағрикенгликдан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига яна ўша модда билан судининг қора курсисига ўтирди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари шудир-да.

Масаланинг ажабланарли томони шундаки, унинг онаси Ҳанифа опа ва эри Икромжон Наргизанинг аввалги жиноятларидан кейин ҳам лоқайдлик қилишди. Ваҳоланки, улар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб маҳалла фаоллари, ён-атрофдаги бошқа яқинларининг ёрдамига таяниб, муаммони бартараф этишлари, бу билан бир оилани сақлаб қолишлари мумкин эди. Бироқ «ўзи билади, ёш бола эмас-ку», қабилидаги қараш оқибатида нафақат Наргизага, ўзларигаям жабр қилишди.

Ботир Рашидов мисолида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқоридаги воқеалар тафсилотларини бежиз келтирмадик. Бундан мурод — жиноятчиларни эл орасида сазойи қилиш эмас, балки ота-оналар, ҳар бир оиланинг ёши улуғларини фарзанд тарбиясига янада масъулият билан ёндошишга, умр дея аталмиш олий неъмат қадрини янада чуқурроқ ҳис қилиб яшашга даъват этиш, холос. Зеро, босиб ўтган умр йўлимиз фарзандларимиз учун ҳам ибрат, ҳам фахрланарли бўлсин.

Маҳмуджон ТОЖИЕВ,
ҳуқуқшунос,
Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Sirli dunyo

ЁВВОЙИЛАР ОРОЛИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

... Ярим соатча давом этган ғалати ўкирик бутун вужудимни титратиб, танамдан совуқ тер чиқариб юборди. Бироз ўтгач, бу ваҳимали шовқин — нотаниш махлуқнинг увиллаши бирдан тинди. Шу заҳоти хириллаган шайтоний қаҳқаҳа қулоқни қоматга келтирди. Гўёки даҳшатли фильмлардаги каби алвастиларнинг базми жамшиди авжга чиққандек. Яна бироз вақт ўтди. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Мен нималар юз бераётганини англай олмасдим. Кимдир йўталар, нимадир қаттиқ кишнар, яна биров дод-вой солиб йиғлар эди. Нима бўляпти ўзи? Булар кимлар? Яхшиси ўйламаган маъқул. Очиғи, Янги Гвинеянинг қоқ марказида, ўрмонда тунаб қолишни сизга ҳам маслаҳат бермаган бўлардим.

— Бундай жойда яшаш сиз учун қўрқинчли эмасми? — деб сўрайман қабила бошлиғидан.

— Йўқ, — мағрурона жавоб берди у. — Бу ерда нимадан ҳам қўрқардинг?! Илонлар бизнинг тўсиқ деворларимиздан судралиб ўтолмайдилар. Безгак тарқатувчи чивинларга қарши эса ўз дори-дармонларимиз бор. Фақатгина ўргимчаклар одамларни кўп ташвишга солади...

ДУНЁНИ СУВ БОССА, ЎРДАККА НЕ ҒАМ...

Безгакка қарши «дори-дармон» деганлари бу папуасчасига чайналадиган кулранг ўсимлик япроқларидир. Ундан худди саримсоқ пиёзнинг ҳиди келади. Папуаслар чангалзорларда изғиб юришларидан олдин чайнашдан ташқари бутун танасини ана шу япроқлар билан яхшилаб артишади. Таралган ҳид ҳашорат ва безгак тарқатувчи чивинларни яқин йўлатмайди. Умуман олганда, маҳаллий аҳоли ўз соғлиқларидан камдан-кам шикоят қиладилар. Ажабланарлиси шундаки, улар деярли санитар-гигиеник талабларга амал қилмаса-да, бетоб бўлишмайди. Бу менингча, инсондаги яшаш инстинкти бўлса керак. Нега деганда, папуаслар бу ёруғ дунёда «С» витамини борлигини билмайдилар ҳам. Аммо шамоллаганларида таркибида ана шундай модда сероб бўлган ёввойи мандаринларни кўпроқ истеъмол қилишга интиладилар. Маҳаллий аҳоли вакиллари касалликни даволаш эмас, унинг олдини олишга ҳаракат қилишади. Дейлик, улар шифобахш ўсимликларнинг илдизларини чайнайдилар, бу билан эса ўзларидаги иммунитетни оширишади. Уларнинг фаҳмича, аччиқ илдизлар ёвуз руҳларни, касалликларни бартараф этади. Ширин томирлар эса уларни чақиради.

Қалин ўрмон ичидаги қабила аҳли бутун инсониятга хавф солиб турган юрак қон-томир касалликлари нима эканлигини тасаввур ҳам қилолмайдилар. Баъзан тўнғизлари йўқолиб қолишини ҳисобга олмасак, биз каби пулнинг қадрсизланиши, уй-жойларнинг табиий офат туфайли сув остида қолиб кетишидан асабларини бузмайдилар ҳам. «Оламни сув босса, ўрдакка не ғам», деган мақол папуаслар ҳақида бўлса, ажаб эмас. Папуасларда саратон, хавфли ўсма ҳасталиклари камдан кам учрайди. Чунки чор-атроф ниҳоятда мусаффо.

Айтишларича, ўрмонларда яшаётган папуасларни шаҳарга кўчирилса, икки-уч йил ичида нобуд бўлар эмиш. Бундай «миш-миш»лар назаримда, маҳаллий аҳолининг кўчиб кетмаслиги учун атайлаб тарқатилади. Папуаслар ўзларига раҳна солиши мумкин бўлган фақат бир касалликни даволай олмайдилар. Бу танада пайдо бўлган жароҳатли яралардир. Тўғри, улар қариқиз гиёҳи ёрдамида қон кетишини тўхтатадилар. Агар жароҳат газак олиб кетса, тамом. Ўлим! Папуаслар кўпинча ов пайтида ёки кўшни қабилалар билан бўлган тўқнашувлар натижасида олган жароҳатларидан озор чекадилар. Аммо «ўрмон одамлари» ўртача 65-70 йил умр кўради. Ажабланарлиси шундаки, илон-чаён, заҳарли ўргимчаклар кам учрайдиган замонавий шаҳарларда яшайдиган одамлар улардан кўра камроқ умр кўришади.

Биз ўтган ҳикоямизда кутаётган фолбин – жодугар-кинначини маҳаллий аҳоли «Какуа» деб аташаркан. У тахминан эрталаб соат етиларда келди. Мен каби у ҳам уйқуга тўймаганми, асаби таранг эди. Папуаслар ўз капалари остонасида унга ҳайиқиб қараб турардилар.

Дарров сездим, бу ердагилар жодугар-кинначидан қўрқар эканлар. Баъзи қабилалар Какуа нариги дунё билан, ўлган одамлар билан бемалол сўзлашади, уларни тиритлира олади, деб ишонадилар.

Папуаслар жодугарларни одам қиёфасидаги иблис, уни тутиб ейиш эса одамхўрликка кирмайди, деб ўйлашади. Уларнинг фикрича, дўзахнинг бу ёвуз хизматкорлари ҳар қандай одамнинг танасига кўчиб ўтиши мумкин.

КОМПЬЮТЕРНИ ДАВОЛАМОКЧИ БЎЛДИ

Ўлган жодугарнинг энг аввало, мия қатиғи сўриб олинаркан. Чунки мия тез қотиб қолиши ёки жодугар қайта тирилиб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бош чаноғини эса Папуаслар ёғочга қўндириб, қабила чегараларига мумиёланган одамлар сингари осиб қўяр эканлар. Зеро, у қишлоқ остонасида босқинчиларни қўрқитиб турсин. Жодугар-кинначини тинчитишгандан сўнг папуасларнинг бир неча қабилалари каннибализм йўли билан ўғриларни жазолаш маросимини ўтказар эканлар. Агар ўғри аёл кишини ёки тўнғизни ўғирлаган бўлса, жазо яна ҳам оғирроқ шаклда ижро этиларкан.

Вамена полицияси вакилларининг гувоҳлик беришича, бундай жазо маросими бундан уч йил муқаддам ўтказилган экан. Умуман, Карафай қабиласига тегишли худудларга ҳокимият вакиллари ҳамроҳлигида ташриф буюрган маъқул. Бундан анча илгари Хитойдан келган ёлғиз сайёҳ дом-дараксиз йўқолган эди.

— «Ёғоч одамлар» қабиласи яқиндагина кашф этилган, — дейди полиция капитани. — Улар «аждабий»ларга аллақачон ўрганиб қолишган. Аммо, ҳануз келгиндиларни ҳам жодугарлар деб ўйлайдилар. Бундай қабилага ташриф буюрган меҳмон бошига нима тушса, ўз ҳулқ-атворидан кўради.

Мени қабила бошлиғи бекорга қўрқитган экан, — деб ҳикоя қиладиган Г.Зотов. — Жодугар-кинначи қабиладагилар билан мулоқотини тугатгач, мен томон юзланиб, чамадонли компьютеримга назар ташлади. Туни билан совуқда қолган бу анжом ишламас эди. У компьютерни қўли билан айлантириб кўрди. Ва бир неча марта «куф-суф» қилди, сўнгра «ташхис» қўйди:

— Бунинг ичидаги руҳлар ғалаён кўтаришган, — деди у, — улар учун ниманидир қурбон қилиш керак. Тўнғиз қонини суртиш ёки банан шарбатини унга оқизиш лозим. Акс ҳолда руҳлар батамом ғазабга минишлари мумкин.

Мен тушунмай қолдим. Жодугар мен билан ҳазиллашяптими ёки жиддий сўзлаяптими? Ўзимга келиб унинг қўлидан копмьютерни тортиб олдим ва тушунтиришга ҳаракат қилдим.

— Тўнғиз қонини томизиш тўғри келмайди, майли, компьютернинг руҳлари қанча хоҳлашса, шунча дарғазаб бўлаверсинлар.

Менинг жавобимдан Какуа норози бўлди. У бир бош бананни копьютернинг устига ташлади ва мунгли дуосини ўқий бошлади. Унинг бу ҳаракати компьютерга ҳеч қандай фойда келтиргани йўқ, албатта. Лекин тажрибали жодугар бўш келмади. Ҳозиржавоблик билан бу ҳолатдан чиқди:

— Албатта, руҳларни тинчлантириш учун анча вақт талаб қилинади. Сен барибир қон чиқариш ҳақида ўйлаб кўр.

Какуа қабилани тарк этгач, одамлар анча енгил тортдилар. Аммо Папуасларнинг ҳикояларига таяниб, шундай хулосага келиш мумкинки, унинг ёрдамисиз бошқа бир ҳолатлардан чиқиш анча қийин кечади. Унинг қўли енгил. Дори-дармонлари шифобахш. У жарроҳлик ёрдамида одам танасига санчилиб қолган ўқни олиб ташлаши мумкин.

Орадан анча вақт ўтгач, қабила жангчилари бадантарбия билан шуғулланишга жўнадилар. Улар йўл-йўлакай бир-бирларини найзаларининг орқаси билан туртиб, чопиб борардилар. Ҳарбий тайёргарликка ўхшайдиган бу машғулотлар натижасида жангчиларнинг елкалари кўкариб кетади. Лекин ҳар куни эрталаб бу ҳол такрорланаверади. Қабила аёллари картошказорларни суғоришга кетадилар. Болалар эса чангалзорлар оралаб, ёввойи мевалар териш билан шуғулланишади.

Кейинги қирқ йил давомида Индонезия ҳукумати папуасларни заманавий тараққиётга чорлаш йўлида анчагина ҳаракатлар қилди. Бироз муваффақиятга ҳам эришилди. Одамхўрлик ҳолатлари бир мунча камайди. Бугунги кунда ҳатто баъзи бир қабилалар болаларини бошланғич мактабга бермоқдалар. Улар миссионерлар томонидан инъом этилган европача либосларни кийишга ҳам ўрганиб олишди. Аммо бундай цивилизация фақат ташқи кўринишда, холос.

Ўрмон папуаслари 20-30 чақирим масофани пиёда босиб, Вамена шаҳрига мўъжизалар мўъжизасини кўргани атайлаб ташриф буюришади. Улар соатлаб аэродромга қўнаётган ва учаётган самолётларни томоша қиладилар. Унинг ичида ёнаётган чироқлардан ҳайратга тушадилар. Қоғоз пулларга бутундай ишонишмайди. Ахир, уларни чиройли чиғаноқлар мисоли бўйинга осиб бўлмайди-да? Албатта, минг йиллар давомида шаклланган одатларни ҳар қандай цивилизация билан онгдан чиқариб ташлаш қийин.

Улар бугуни кунда секин-аста ўз қабилаларини оролнинг яна ҳам ичкарисида жойлашган чанганлзорлар сари кўчириб кетмоқдалар. Чунки уларнинг назарида, ёт одамлар ўзлари билан ёвузлик ва бедаво дардларни олиб келишмоқда.

Қабила бошлиғи мени мумиёланган қўриқчилар савлат тўкиб турган девор пойида машқдан қайтиб, дам олаётган жангчилар ёнига бошлаб келди.

— Айт-чи? — деб сўради мендан панжара олдида турган қабила оқсоқоли. — Нега самолётлар учаётганда қанотларини қоқмайдилар? Улар шундай оғир юк билан ердан қандай кўтарила оладилар?

— Э, — дея қўл силтадим унга жавобан. — Очиғини айтсам, буни мен ҳам билмас эканман.

— Ҳа-а, сиз ёввойи одамлардан бирор нарса ўрганиб бўладими?- деб қабила бошлиғи, хайрлашар экан, бир хўрсиниб қўйди. Сўнгра оркага, ўз қабиласи томон равона бўлди.

Хорижий матбуот материаллари асосида
Зафар ЭҚУБОВ тайёрлади

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1216. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5